

АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИДА ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Азиза Сабирджановна Гуломова

Самарқанд шаҳар “VERITAS LEX” адвокатлик фирмаси адвокати, юридик
фналари номзоди

АННОТАЦИЯ

Мақола адвокатлар томонидан юридик хизмат кўрсатиш бўйича шартнома (келишув)ларни тузиш ва бажаришни ҳуқуқий тартибга солишининг хусусиятларини ўрганишга бағишиланган. Мақолада “юридик хизмат” ва “юридик ёрдам” каби тушунчалар таҳлил қилинади ва қиёсланади. Хулоса қилинадики, юридик хизматлар энг мураккаб ва назарий жиҳатдан ривожланмаган хизмат турларидан бири бўлиб, амалдаги қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш бўйича тавсиялар беришни талаб қилади.

Адвокатлар томонидан тузиладиган юридик хизматлар кўрсатиш ва топшириқ шартномаларининг амалий қўлланилиши таҳлили ўтказилди.

“Адвокатура тўғрисида”ги қонунга ўзгартиришлар киритиш бўйича аниқ таклифлар белгиланди, бу бизнинг фикримизча Ўзбекистон Республикасида адвокатлик институтининг мустақиллигини мустаҳкамлашга ёрдам беради ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномани малакалашда айрим тафовутларни бартараф этади.

Калит сўзлар: юридик ёрдам, ҳуқуқий хизмат, юридик хизмат, шартнома, топшириқ шартномаси, адвокат, ҳақ эвазига юридик хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома.

ABSTRACT

Lawyers devote the article to the study of the peculiarities of the legal regulation of the conclusion and execution of contracts for the provision of services. The paper analyzes and compares such concepts as “legal service” and “legal assistance”. The conclusion is made that legal services are one of the complex and undeveloped in the theory of types of services that require recommendations to address gaps in the current legislation. An analysis is made of the practical application of contracts for the provision of legal services and contracts of commission concluded by lawyers. Concrete proposals are identified for amendments to the Law “On the

Advocacy and the Bar of the Republicussian Federation”, which, in our opinion, will help strengthen the independence of the institution of the bar in the Russian Federation and eliminate differences on the qualification of the legal aid agreement.

Keywords: legal aid, legal service, legal service, contract, order of assignment, lawyer, contract for the provision of legal services on a fee.

КИРИШ

Фуқаролар ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солишга бағишлиланган мавзу бугунги кунда тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Юридик хизмат кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш ҳақида гапиришдан олдин "юридик ёрдам" ва "юридик хизмат" тушунчаларига аниқлик киритиш керак.

Уларнинг бир-бири билан қандай боғлиқлигини, улар ўртасида нима умумий эканлигини ва бу тушунчаларда фарқлар мавжудлигини аниқлаш лозим.

Амалдаги қонунчилик нормалари ҳамда уни қўллаш амалиёти таҳлили шуни айтишга имкон берадики, ҳозирги вақтда “юридик ёрдам” тушунчаси ва “юридик хизмат” тушунчаси тўлиқ очиб берилмаган.

Норматив-ҳуқуқий хужжатларда юқоридаги атамаларни фарқлаш имконини берадиган асосий белгиларни топиш жуда қийин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Фуқаролик қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги қонуннинг бугунги кундаги ҳолатидан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, ушбу масала, яъни умуман “юридик хизмат” кўрсатиш, жумладан “адвокат томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат” тушунчалари аниқлаштирилмаган ва тўғри тартибга солинмаган.

Мазкур қонун ҳужжатлари қабул қилинган даврда бошқача бўлиши мумкин эмас еди. Сабаби, ўша даврда юридик хизматлар кўрсатиш соҳаси етарли даражада ривожланмаган еди. Шунга қарамай, ўша пайтдан қонунчиликда иккита асосий ҳуқуқи категориялар қўлланилиб келинган – “ҳуқуқий ёрдам” ва “юридик хизмат”.

“Юридик хизмат” тушунчаси ҳеч бўлмаганда шартномаларни тузиш бўйича тавсияларда унинг турлари санаб ўтилган бўлса, аммо “ҳуқуқий ёрдам” тушунчаси

хусусида олимлар ва амалиётчилар ўртасида ҳамфирлик йўқ ва ҳаттоки, қонунчилиқда хам ушбу тушунча ўз ифодасини топмаган.

Ўзбекистон Республикаси "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасида "юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида келишув (шартнома)" атамаси белгилаб берилган ва ушбу турдаги "келишув (шартнома)" тушунчаси очиб берилган.

Қонуннинг 9-моддаси 1-қисмига кўра, адвокат билан вакил ўртасида тузилган шартнома асосида вакиллик қиласди.

Ушбу модданинг 2-қисмига юридик ёрдам кўрсатиш бўйича шартнома фуқаролик-хуқуқий шартнома эканлиги белгиланган.

Шундай қилиб, мазкур норматив-хуқуқий ҳужжатда "хуқуқий (юридик) ёрдам" тушунчаси очиб берилмаганини кўрамиз.

"Юридик хизмат" тушунчасига келсак, фуқаролик қонунчилик, Ўзбекитсон Республикаси Фуқаролик кодексининг 703-моддасида, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини хуқуқий тартибга солишини белгилаб қўйган, аммо "хизмат" тушунчасининг таърифи келтирилмаган.

Бундан ташқари, фанда юридик ёки хуқуқий хизматлар нима эканлиги ҳакида умумий тушунча мавжуд емас. Қонунчилик ушбу тушунчалар ўртасидаги фарқларни назарда тутмайди.

Хуқуқий таълимотда қонунчилигимизнинг энг долзарб муаммоларидан бири – унификацияни талаб қилувчи атамаларнинг кўплиги муҳокама қилинаётганда, ушбу атамалар ўртасидаги муносабат масаласи кўриб чиқилади.

Шу билан бирга, айрим муаллифлар (Т. И. Ильина, А. И. Муранов, Д. В. Новак, Г. К. Шаров) бу тушунчалар бир-биридан фарқ қилмаслигини қайд этадилар.

Бошқалари эса, аксинча, уларга қарши туриб, ўз позициясини асослашга харакат қилмоқда. Масалан, О. С. Понасюк "адвокатура доирасига кирадиган ҳамма нарса малакали юридик ёрдамдир, бу соҳага кирмайдиган нарса эса юридик хизматлардир", деб ҳисоблайди. Р. Р. Ленковская хуқуқий ва юридик хизматларни малакали юридик ёрдамдан фарқлаш керак, деб ҳисоблайди. [3, с. 59].

Юридик ёрдам тушунчаси кўплаб муаллифлар: О. Н. Бондар, М. В. Кратенко, Р. Г. Мелниченко, К. Е. Михайленко, В. Ю. Панченко, А. С. Плетен, Е. В. Януш ва бошқалар томонидан ўрганилганлиги муҳим аҳамиятга ега. Айрим назарий ишланмалар мавжудлигини қайд этишимиз мумкин.

Қонун хужжатларини, суд ва адвокатлик амалиётини, маҳсус адабиётларни ўрганиш асосида адвокат томонидан юридик хизматлар кўрсатиш шартномаси ва юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг хусусиятлари (умумий, бошқача ва маҳсус) тўғрисида баъзи хуносалар чиқариш мумкин.

Юридик хизматлар ва юридик ёрдам тушунчалари ҳуқуқий табиати билан фарқланади (биринчи ҳолатда иқтисодий маънода ишлатилса, иккинчи ҳолатда конституциявий ҳуқуқни таъминловчи маънода).

Бу тушунчалар бир-биридан фарқ қилганлиги сабабли, қонунчиликда тегишли тартибга солинишини талаб қиласди.

Малакали юридик ёрдам маҳсус ваколатли шахс бўлган адвокат томонидан амалга оширилади

Юридик хизматлар, қоида тариқасида, муомага лаёқатли шахслар томонидан кўрсатилади. Хизмат кўрсатиш, шу жумладан юридик хизмат фуқаролик ҳуқуқининг обьекти ҳисобланади. Аммо, "юридик хизмат" на тушунчаси, на атамаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг умумий ва маҳсус қисмларида мавжуд. Буни қонунчиликдаги бўшлиқ ва, хусусан, ҳақ эвазига хизмат кўрсатишни тартибга солувчи нормаларни тўлиқ эмаслигидан далолат беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигига юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни тузишида - юридик хизмат истеъмолчилари дуч келадиган иккита асосий муаммони ажратиб кўрсатиш керак.

Биринчидан, фуқароларга "ёрдам кўрсатувчи" субъектнинг малакасини аниқлаш қийин, чунки уларда маҳсус билим ва тажриба йўқ.

Иккинчидан, фуқароларда "ёрдам кўрсатувчи" субъектни танлаш ҳуқуки йўқ, сабаби ушбу ҳолатда нафақат олий юридик маълумот етарли, балки айнан малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуки тегишли юридик ихтисосликни мавжудлигини тақозо этади.

"Юридик ёрдам" ўзида жамоат манбаатларини ифода этади, "юридик хизмат" эса оммавий-ҳуқуқий аҳамиятга ега. Шу билан бирга, давлат томонидан юридик хизмат кўрсатувчи шахсларнинг (адвокатлардан ташқари) фаолиятини тартибга солувчи, уларнинг касбий тайёргарлиги ва касбий этикасига, шунингдек, сифатсиз хизмат кўрсатганлик учун жавобгарлик механизмини белгиловчи маҳсус қонун хужжати қабул қилинмаган.

Умуман олганда, “юридик хизмат” ҳам, “юридик ёрдам” ҳам алеатор (исталган натижа эришилмаслик хавфи мавжуд) сифатларга эга бўлиб, фидуциар (ишончга асосланган) характерга эга. Шартнома амалда бажарилгандан ва хизмат кўрсатилгандан кейин ҳам бундай хусусиятларни ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳолаш қийин.

Шунингдек, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг предмети тушунчасининг ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги ушбу шартноманинг квалификациясида ҳуқуқий ноаникликка олиб келади ва натижада судлар юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномани ё ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси ёки топшириқ шартномаси сифатида квалификациялади.

Амалда, ҳимоя зарур бўлган вазиятда, ҳуқуқ соҳасидаги мутахассис кўпинча топшириқ шартномасини тузади. Топшириқ шартномаси бўйича адвокат ишонч билдирувчи номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни амалга оширади. Унинг тарафлари шартноманинг моҳиятини, яъни пуллик ёки бепул бўлишини аниқлашга ҳақли (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 818-моддаси 1-қисми).

Ушбу шартнома ва юридик хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд бўлиб, уларнинг фарқи ва индивидуал нюанслари амалиётни ўрганиш жараёнида аниқланади.

Шундай қилиб, амалдаги фуқаролик қонунчилигига кўра, юридик хизмат кўрсатиш шартномасининг ҳуқуқий хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг 39-боб билан тартибга солинга;
- тарафлар пудратчи ва буюртмачи ҳисобланади;
- шартнома предмети - юридик хизматлар кўрсатиш, яъни буюртмачи тўловини амалга оширган ҳаракатлар ёки фаолиятни амалга ошириш ҳисобланади;
- ижро этиш усули - пудратчи томонидан шартнома мажбуриятлари шахсан бажарилиши;
- шартномада тўлаш тартиби ва муддатлари белгилаб қўйилган;
- буюрмачига боғлиқ сабабларга кўра хизматлар кўрсатилмаган тақдирда, умумий қоидага кўра, тўлов тўлиқ амалга оширилади.

Агар хизматлар томонларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра кўрсатилмаса, буюртмачи, қоида тариқасида, ҳақиқий ҳаражатларни тўлайди;

- буюртмачи шартномадан бир томонлама воз кечган тақдирда, у ҳақиқий харажатларни тўлайди. Пудратчи бир томонлама рад этган тақдирда, у етказилган заарларни қоплайди;

- юридик хизмат кўрсатишдан келиб чиқадиган муносабатларга пудрат ва майший пудрат тўғрисидаги амалдаги қонун хужжатларининг қоидаларини қўллашга рухсат этилади.

Топшириқ шартномасининг хусусиятлари:

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 46-боби қоидалари билан тартибга солинган;

- тарафлар - вакил ва топшириқ берувчи;

- адвокат вакил сифатида топшириқ берувчи (ишонч билдирувчи) номидан қонуний ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини олади;

- ҳаракатлар топшириқ берувчи (ишонч билдирувчи) ҳисобидан амалга оширилади;

- топшириқ берувчи (ишонч билдирувчи) адвокатнинг ҳаракатлари учун хуқуқ ва мажбуриятларни олади;

- шартномада адвокат вакил сифатида топшириқ берувчи (ишонч билдирувчи) номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб иш юритишига муддат белгиланиши мумкин;

- агар топшириқ шартномами иккала тараф ёки улардан бирининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлса, топшири берувчи, агар шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, ҳақ тўлаши шарт.

Агар шартнома тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаса, агар у норматив-хукуқий хужжатларда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, ҳақ тўланади.

Юқоридаги шартномаларнинг хукуқий хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида улар ўртасидаги асосий фарқни кўриш мумкин – шартномаларнинг бирида ишонч билдирувчи ўз кўрсатмаларини бажариш учун ўз ваколатларини вакилга топширади, иккинчисида эса буюртмачи эса ижрочига ўз ваколатларини топширмайди.

Шундай қилиб, шартномалар ўртасидаги асосий фарқ уларнинг хукуқий тартибга солиш предмети билан белгиланади. Вакил бажариши керак бўлган аник юридик ҳаракатлар рўйхати мулкни сотиб олиш ёки бегоналаштириш, тўловларни амалга ошириш ва ҳоказоларни ўз ичига олиши мумкин.

Шу муносабат билан топшириқ шартномасини қўллаш амалиётининг айрим нюансларини ҳисобга олиш керак:

- топшириқ шартномасига кўра, адвокат (вакил) ишонч билдирувчи номидан ва унинг ҳисобидан муайян ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини олади. Адвокат (вакил) томонидан тузилган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита ишонч билдирувчida пайдо бўлади;

- ишончноманинг берилиши шартнома тузилганлигининг автоматик тасдиқланишини англатмайди, чунки юқорида айтилганлар бир томонлама ҳаракатни (ишонч билдирувчининг вакилга ваколат бериш ниятини англатади), лекин иккинчи вакилнинг ушбу ваколатлардан фойдаланган ҳолда ҳаракатларни амалга ошириш истагини билдиrmайди. Топшириқ шартномасида ушбу масала бўйича келишувга эришилганлиги кўрсатилган. Бундай ҳолда, ишончномани бермаслик автоматик равишда топшириқ шартномаси тузилмаган деб ҳисобланмайди;

- ишончноманинг амал қилиш муддати тугаши ва янги ишончномани берилмаганлиги - шартномани бекор қилинганлигидан далолат беради;

- ишончнома берилганлиги томонлар ўртасидаги топшириқ шартномасидан келиб чиқадиган муносабатлар шаклланганидан далолат беради ва ушбу муносабаталарга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг топшириқ шартномасига доир нормалари қўлланилади Коида тариқасида, амалда фуқаролар ва юридик шахслар ёрдам сўраб адвокатларга ёки юридик хизматларга мурожаат қилиб, ўзларини юридик ёрдам кўрсатиш натижасида юзага келадиган салбий оқибатлардан ҳимоя қилиш учун қайси шартномани тузсак яхшироқ деб уйлашади. Бугунги кундаги вазиятдан келиб чиқиб, шартнома турини танлаш зарур. Топшириқ шартномаси аксар ҳолларда алеатор-фидуциар (ишончга асосланган) характерга ега. Бизнинг фикримизча, топшириқ шартномасининг шахсий-махфийлик характерга эга эканлиги белгиси субъект таркибидан қатъи назар, барча ҳуқуқий муносабатларни тавсифлайди. Адвокатлар томонидан тузилган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома топшириқ шартномасига энг яқин ҳисобланади. Иккинчисининг топшириқ шартномасидан фарки шундаки, агар унинг предмети жиноий ҳимоя бўлса, адвокатнинг ўзи юридик ёрдам кўрсатишдан воз кеча олмайди.

Ҳақ эвазига юридик (ҳуқуқий) хизматлар кўрсатиш шартномасининг ўзига хос хусусияти судда ёки бошқа юрисдикция органида хизматдан фойдаланувчининг

манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган "муайян ҳаракатларни бажариш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш" иборатдир. Ушбу органлар белгиланган талаблар бўйича қарор қабул қилишлари шарт. Шу сабабли, буюртмачининг манфаатлари - тегишли юридик хизматлар кўрсатиш билан чекланмасдан, ижрочи фаолиятининг ижобий натижасига эришишдан иборат (даъвони, шикоятни қондириш, бошқа ижобий қарорни олиш), бу эса шартноманинг тартибга солиш предмети доирасидан четга чиқади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Юридик хизматлар кўрсатиш шартномасини ҳуқуқий тартибга солинган шундай салбий томони борки, бу кўрсатилган хизматнинг қонунда белгиланган аниқ натижасининг йўқлиги - ушбу шартномани тузишда буюртмачи маълум бир натижа мавжудлигини белгилаши қийин, чунки, қонунда, ушбу шартнома ижроисининг хизмат кўрсатиш маълум бир натижасини буюртмачига топшириш бўйича аниқ мажбурияти кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, юридик хизматнинг ўзи нисбий тушунча бўлиб, ҳар бир вакил ёки адвокат ўзининг ҳуқуқий билими ва иш тажрибасига қўра юридик хизматлар ёки юридик ёрдам кўрсатиш тартиби билан боғлиқ ҳаракатларни мустақил равишда ҳал қиласди. Ва келажакда юридик хизмат кўрсатувчи вакил ўз ҳаракатларида хатога йўл қўйганлигини исботлаш жуда қийин, деярли имконсиз.

Юқорида айтилганларни келтирилганларни умумлаштирган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг батафсил, кенгайтирилган предмети ва юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома турининг квалификацияси ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги Ўзбекистон Республикаси "Адвокатуру тўғрисида"ги қонундаги бўшлиқ сифатида қараш ва уни бартараф этиш чораларини кўриш лозим.

Биз "Адвокатура тўғрисида"ги қонунда юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг мустақил тури эканлигини кўрсатишни ва ушбу 9-моддани "юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг предмети" тушунчаси билан тўлдиришни таклиф қиласмиз.

"Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддаси 5-қисмининг 2-бандида юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома предметини квалификация қилишда "топшириқ предмети" атамаси қўлланган, яъни юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги

шартнома предмети нуқтаи назаридан топшириқ муносабатлари назарда тутилган, аммо негадир ушбу модда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 46 – бобига ҳавола қилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 818-моддасида топшириқ шартномаси - бу фақат ишончнома билан амалга ошириладиган ҳуқуқий харакатларни амалга ошириш тўғрисидаги битим. Лекин ҳар доим ҳам адвокатнинг ваколатлари ишончнома шаклида ифодаланмайди. Жиноят процессида адвокат ҳимоя қилиш учун қабул қилинган топшириқни фақат гувоҳнома ва ордер (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддаси 2-қисми) асосида, шунингдек адвокат фуқаролик процессига кирган тақдирда ҳам ордер асосида ва ишонч билдирувчининг бевосита иштирокида бажаради. Бундан чиқди, ишончнома юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома бўйича топшириқни бажаришда адвокатнинг ваколатларини тасдиқловчи мажбурий хужжат эмас. Шунинг учун биз Конун мазмунини, яъни "Адвокатура тўғрисида" ги Конуннинг 9-моддаси мазмунини "юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг предмети" тушунчаси билан тўлдиришни зарур деб ҳисоблаймиз.

Ушбу ўзгаришлар, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтининг мустақиллигини мустаҳкамлайди ва ҳуқуқий амалиётдаги юридик ёрдам қўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг квалификациясига оид келишмовчиликларни бартараф этади.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, тадқиқот мавзусининг долзарблиги ўз тасдифини топади деган холосага келамиз. Юридик хизмат - назария ва амалиётда тўлиқ ишлаб чиқилмаган хизматларнинг энг мураккаб турларидан биридир. Ушбу муаммони (масалан, кўрсатилаётган юридик хизмат сифати ўлчови муаммоси) ҳал қилишнинг самарали усувларини аниқлаш учун қонунчиликдаги мавжуд бушлиқларни бартараф этиш бўйича батафсил тавсияларни шакллантиришга бағишланган янада кенг қамровли тадқиқотларни талаб қиласди. Сабаби, "юридик хизмат" тушунчасига маъно жиҳатидан кўплаб яқин атамаларнинг мавжудлиги, ушбу тушунчани ўзи ва у билан боғлиқ ходисалар шаклланиш, сайқалланиш жараёнида эканлигини англаади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги қонун. 27.12.1996 йилдаги 349-I-сон
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 29.08.1996 йил.
3. Панченко В. Ю. Подходы к понятию «юридическая помощь» в современном отечественном правоведении / В. Ю. Панченко // Российский юридический журнал. — 2012. — № 1 (82). — С. 18-27.
4. Штырина Н. С. Договор возмездного оказания юридических услуг / Н. С. Штырина // Via scientiarum – Дорога знаний. — 2018. — № 2. — С. 198–204.
5. Конюх Е. А. Невозможность исполнения договора возмездного оказания услуг, возникшая по вине исполнителя / Е. А. Конюх // Российская юстиция. — 2017. — № 8. — С. 7–10.
6. Горельшева Е. М. Некоторые проблемы договора возмездного оказания юридических / Е. М. Горельшева // Сфера знаний в вопросах культуры, науки и образования сборник научных трудов. Казань, 2018. — С. 74–77.
7. Журкина О. В. Критерии оценки качества оказания юридических услуг / О. В. Журкина // Юрист. — 2018. — № 10. — С. 70–76.
8. Ленковская Р. Р. Понятие и правовая природа правовых и юридических услуг / Р. Р. Ленковская // Пробелы в российском законодательстве. — 2015. — № 4. — С. 36–38.
9. Ализаде Э. А. оглы Соглашение об оказании юридической помощи / Э. А. оглы Ализаде // Юстиция. — 2017. — № 4. — С. 10–15.
10. Занковский С. С. Правовое регулирование и практика оказания возмездных юридических услуг / С. С. Занковский // Юридический мир. — 2017. — № 10. — С. 52–55.
11. Самодуров А. С. Отличие договора возмездного оказания юридических услуг от иных договоров оказания услуг и проблемы его реализации / А. С. Самодуров // Вестник экспертного совета. — 2016. — № 2 (5). — С. 95–103.
12. Астапова Е. В. Договор возмездного оказания услуг и проблемы его исполнения / Е. В. Астапова, С. В. Кириченко // Юристъ-Правоведъ. — 2017. — № 4 (83). — С. 152–158.
13. Третьякова В. П. Форма договора возмездного оказания юридических услуг / В. П. Третьякова // Вестник Томского государственного университета. Право. — 2018. — № 30. — С. 213–223.
14. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. 22.09.1994 йил.